



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 12 июнь, № 119 (7077)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



上海合作组织成员国元首理事会
ЗАСЕДАНИЕ СОВЕТА ГЛАВ ГОСУДАРСТВ
ШАНХАЙСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА
2018年6月9-10日 中国·青岛 9-10 ИЮНЯ 2018 Г. ЦИНДАО КИТАЙ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Циндао шахри, ХХР, 2018 йил 10 июнь)

Мухтарам жаноб Си Цзиньпин!
Хурматли давлат раҳбарлари!
Мажлис иштирокчилари!

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан **Саммитнинг** барча иштирокчиларини кутлайман, **Хитой Халқ Республикаси Раиси жаноб Си Цзиньпинга** самимий қабул ва учрашувимиз юксак даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдираман.

Бизнинг хитойлик шерикларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига **раислик** даврида жуда самарали ва муваффақиятли ишларни амалга оширди.

Бугун қабул қилинадиган ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги Узоқ муддатли яхши кўшничлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси мазкур ишларнинг муҳим натижаларидан биридир.

Гўзал Циндао шахридаги **Саммитимиз “Шанхай саккизлиги” раҳбарларининг биринчи учрашуви** сифатида тарихда қолади.

Бу чўқур рамзий маънога эга бўлиб, айнан **“8”** рақами хитой халқида **омад ва тараққиётни** ифодалайди.

Ташкилотимиз аҳолиси бирданига **бир**

ярим миллиардга кўпайди, унинг иқтисодий ва интеллектуал салоҳияти сезиларли даражада кенгайди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, **Ҳиндистон** ва **Покистон**дек давлатларнинг ШХТ фаолиятида тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этиши кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш учун мутлақо янги имкониятлар яратди.

Айни пайтда Ташкилотимизнинг минтақавий ва глобал сиёсатни шакллантириш, **Евроосиё қитъаси** хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашнинг муҳим механизми сифатидаги роли кучайиб бормоқда. ШХТ янада муваффақиятли ривожланиб бораверишига қатъий ишонамиз.

Хурматли мажлис иштирокчилари! Марказий Осиё барқарорлиги ва тараққиётини таъминлаш Ташкилотимизнинг асосий мақсадларига эришиш, унинг олдида турган вазифаларни ҳал этишда муҳим омиллардан биридир.

Шу муносабат билан **минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит** шаклланиши катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Биз қисқа вақт ичида минтақадаги ўткир муаммолар, жумладан, чегара, савдо, транс-

порт ва сувдан фойдаланиш масалаларини амалий ҳал қилиш йўлида **анча катта марраларни босиб ўтишга эришдик.**

Шу билан бирга, **Афғонистон**да тинчликка эришиш, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарт бўлиб қолмоқда.

Барча томонларнинг олдиндан **ҳеч қандай шарт қўймасдан тинчлик музокара-ларини тез фурсатда бошлаш**ни бир овоздан маъқуллагани Сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз билан яқинда Тошкентда ўтган **Афғонистон бўйича халқаро конференциянинг** асосий натижаси бўлди.

Ишончим комил, **“ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи** доирасида биз **Афғонистоннинг тинч тараққиётини** таъминлашга салмоқли ҳисса қўша оламиз.

Мухтарам делегациялар раҳбарлари! Биз ШХТ доирасида қўллаб-қувватлашга эришдик. Шу билан бирга, Ташкилот доирасидаги шерикликни янада ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд.

Шу муносабат билан барчамиз қуйидаги масалаларга эътибор қаратишимиз лозим.

Биринчидан ва энг асосийси — аҳоли,

айниқса, **ёш авлодда** терроризм ва экстремизм мафқурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетни шакллантириш.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга муносабати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурининг қабул қилиниши мана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаганингиз учун барчангизга миннатдорлик билдираман.

Ишонамизки, ушбу Дастурни амалга оширишда **ШХТ Ёшлар кенгаши** ҳақиқий “локомотив” вазифасини ўтайди. Ўзбекистон ушбу тузилма фаолиятида фаол иштирок этади.

БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўлидаги ҳамкорлигимизни янада кучайтиришни тақлиф этаман.

Иккинчидан, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва кооперацияни кучайтириш.

Жорий йил бошидан буён Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо давлатлар, унинг кузатувчилари ва шериклари билан савдо ҳажми ўттиз фоиздан зиёд ошди.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК – МУШТАРАК ЎТУҚЛАР АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 — 10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шахрида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлисида иштирок этди.

Саммит доирасида 9 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари бир қатор икки томонлама ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиб, кун тартибидаги энг долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Саммитнинг асосий тадбирлари 10 июнь куни бўлиб ўтди. Дастлаб ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари тор доирада учрашдилар.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин раислигида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай

Жээнбеков, Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хусайн, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисида ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш, иқтисодий ва инвестициявий шерикликни ривожлантириш, инновация ва юқори технологиялар ҳамда транспорт-коммуникация, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги ҳамкорликни мустақамлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича

АХБОРОТ

(Циндао шахри, 2018 йил 9-10 июнь)

2018 йил 9-10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шахрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Н. Моди, Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти С. Жээнбеков, Покистон Ислам Республикаси Президенти М. Хусайн, Россия Федерацияси Президенти В. Путин, Тожикистон Республикаси Президенти И. Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев иштирок этдилар.

Мажлисида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин раислик қилди.

Мажлисида ШХТ Бош қотиби Р. Алимов ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (MATT) Ихроия қўмитаси директори Е. Сисоев иштирок этди.

Тадбирда Афғонистон Ислам Республикаси Президенти А. Гани, Беларусь Республикаси Президенти А. Лукашенко, Эрон Ислам Республикаси Президенти Х. Раҳоний, Мўғулистон Президенти Х. Баттулга, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг биринчи ўринбосари А. Мухаммад, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси Бош қотиби Лим Жок Хой, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ихроичи қотиби С. Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош қотиби Ю. Ҳачатуров, Осиёда Ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш Ихроичи директори Гун Цзяньвэй, Евроосиё иқтисодий комиссияси ҳайъати раиси Т. Саркисян, Жаҳон банки вице-президенти В. Квава, Халқаро валюта фонди департаменти директори Ли Чан Ён иштирок этдилар.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз маънавий ҳаёти, миллий қадрият ва анъаналаримизнинг ажралмас бир қисми бўлган, муқаддас ислом динининг инсон-парварлик моҳиятини яққол ифода этадиган Рамазон ҳайитини муносиб нишонлаш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат ва шукроналик тўғўларини кучайтириш, ёшларимизда юксак инсоний фазилатларни камол топтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 15 июнь жума кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини ино-

батга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги “2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги 5290-сонли Фармонида мувофиқ, 2018 йил 15 — 17 июнь кунлари — Рамазон ҳайитининг биринчи уч куни байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Ҳаётининг кўчирасини фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси,

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий

телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 11 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАИФ ҚАТЛАМИ БАНДЛИгини ТАЪМИНЛАШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган паст даромадли оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича амалий чоралар кўриломоқда.

Хусусан, оғир ижтимоий-маиший шароитларда яшовчи оилалар арзон уй-жой билан таъминланмоқда, уларга тиббий хизматларни олишда, маиший техникалар ва уй ҳайвонларини сотиб олишда бегараз ёрдамлар кўрсатилиб келинмоқда ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун маҳсулот ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг бандлигини таъминлаётган ташкилотларга солиқ ва кредит имтиёзлари тизими назарда тутилган.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ва тадбиркорлик субъектларининг аҳолининг ижтимоий заиф қатламини, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб этиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганини кўрсатмоқда.

Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами фаровонлигини ошириш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5270-сонли Фармонида асосан, ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадида:

1. 2018 йил 1 августдан бошлаб 1-иловага мувофиқ алоҳида тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қуйидаги имтиёзлар ва преференциялар берилсин:

харидор томонидан инвестицион ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шартли билан давлат мулк объектларини “нол” харид қийматида сотиш бўйича ўтказиладиган танлов савдолари натижаларига кўра, танлов савдоларининг бошқа иштирокчилари билан унинг тақлифлари ўртасида тенг шароитлар юзага келган ҳолларда битимни тузиш бўйича устуворлик ҳуқуқи;

(Давоми 3-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Циндао шаҳри, ХХР, 2018 йил 10 июнь)

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бизнинг фикримизча, товар айирбош-лаш ҳажми янада ошишини таъминлаш учун **экспорт-импорт тартиб-таомилларини соддалаштириш** зарур. Биз, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида агро-саноат кластерларини шакллантириш тарафдоримиз.

Учинчидан, ШХТ маконининг **транспорт-транзит салоҳиятидан самара-ли фойдаланиш** — стратегик вазифа-миздир.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида **минтақалараро транспорт лойиҳаларини** амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. **Биз-га жаҳоннинг энг йirik бозорлари-га элтидиган янги ва энг қисқа йўналишлар керак.**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича АХБОРОТ

(Циндао шаҳри, 2018 йил 9-10 июнь)

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аъзо давлатлар раҳбарлари 2017 йилги Остона саммити якунларининг ижросини ҳамда жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида кечаётган жараёнлар асносида ШХТни янада ривожлантиришга доир биринчи галдаги вазифаларни кўриб чиқдилар. Томонларнинг ўзаро келишилган позицияси қабул қилинган Циндао декларациясида ўз ифодасини топди.

Аъзо давлатлар ШХТ Хартиясининг мақсад ва принципларига риоя этган ҳамда «Шанхай руҳи»га таанган ҳолда ШХТни 2025 йилгача мўлжалланган ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошираётганлари қайд этилди. Бугунги кунда ШХТ ноёб, нуфузли ва обрўли минтақавий бирлашма сифатида қарор топгани, Ташкилотга Ҳиндистон ва Покистон аъзо бўлгандан сўнг унинг салоҳияти сезиларли даражада ошгани таъкидланди.

Сиёсат, хавфсизлик, савдо ва иқтисодиёт, жумладан, молия, инвестиция, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги амалий ҳамкорлиқни, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашни давом эттириш борасидаги истак-хоҳишлар муштарак экани билдирилди. ШХТга аъзо давлатлар ўртасида Узоқ мuddати яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси маъқулланди.

Долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича фикр алмашиш асносида ШХТ маконида хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, шунингдек, янги мазмундаги халқаро муносабатлар ва ягона тақдирга эга бўлган инсоният ҳамжамиятини яратишнинг муштарак гоёсини шакллантиришга кўмаклашиш йўлида ҳамкорликдаги савй-ҳаракатларни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Аъзо давлатлар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари доирасида Афғонистон, Сурия, Яқин Шарқ, Корея ярим-ороллидаги ва бошқа минтақавий низоларга барҳам беришнинг қатъий тарафдоридир. Эрон ядро дастури атрофидаги вазиятни тартибга солиш бўйича Қўшма ялли ҳаракатлар дастурининг изчил ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Аъзо давлатлар БМТнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича савй-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватлайди. Улар БМТнинг халқаро терроризмга қарши кураш бўйича кенг қамровли конвенцияси, шунингдек, Қозоғистон Республикасининг БМТ майдонида Терроризмдан холи тинчликка эришиш бўйича ҳулқ кодексини илгари суриш ташаббусини қабул қилиш масаласида муросага эришиш муҳимлигини таъкидладилар.

Аъзо давлатлар раҳбарлари Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикасининг БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодимий аъзоллигига ўз номзодларини илгари суриш истигини қайд этдилар.

ШХТнинг хавфсизликка нисбатан таҳдидга ва хавф-хатарларга қарши самарали курашиш бўйича ўзаро мувофиқлашган муносабати ўзгармас бўлиб қолмоқда. ШХТга аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури бу борадаги амалий ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қилади. Уни амалга оширишда ШХТ МАТТ асосий роль ўйнайди.

Қайд этилган йўналишларда томонларнинг ўзаро алоқалари учун муҳим платформа вазифасини ўтаган терроризм ва экстремизмга қарши кураш масалалари бўйича Халқаро конференция якунлари (Душанбе шаҳри, 2018 йил 3-4 май) юксак баҳоланди.

Аъзо давлатлар раҳбарлари ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ёшларни бузғунчи ҳаракатларга жалб этилишининг олдини олиш бўйича комплекс ишларни йўлга қўйиш тарафдоридир. Шу муносабат билан Ёшларга Қўшма мурожаат ва унинг қоидалари ижроси бўйича Ҳаракатлар дастури қабул қилинди, Ўзбекистон Республикасининг БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Мозори Шариф — Хирот, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон те-мир йўл линияларини қуриш тарафдори.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистонда ШХТга аъзо давлатларнинг темир йўл бўйича идоралари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказиш режалаш-тирилмоқда.

Бундан ташқари, ШХТнинг Халқаро транспорт-логистика ассоциациясини таъсис этиш имкониятини кўриб чиқш-ни таклиф этамиз.

Тўртинчидан, Инновация дастур-лари ва лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш учун барча савй-ҳара-катларни бирлаштиришга даъват этамиз.

Бизнинг шериклигимиз юқори технологиялар, рақамли иқтисодиёт, муқобил энергетика ва замонавий тиббиётни ривожлантириши ва кенг

жорий этишга қаратилиши лозим.

Ҳар йили ШХТ мамлакатлари **хукуматлари** ва ишбилармон доира-лари иштирокида Ахборот технология-лари ва инновацион ривожланиш **форумини** ўтказишни таклиф этамиз.

Бешинчидан, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан амалий ҳамкорлик-ни йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ ва гоят долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоб-лаймиз.

Ўзбекистон биргаликдаги савй-ҳара-катлар билан тамаддунлар чорраҳаси — **Самарқанд** шаҳрида **“Ипак йўли” туризм университети** ташкил этиш-ни таклиф қилади.

Мазкур ўқув муассасасида туризм соҳасининг энг яхши мутахассислари дарс бериши, барча аъзо мамлакатлар-дан талабалар таҳсил олиши мумкин бўлади.

ШХТ кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик мамлакатлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан кўп тармоқли ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши қайд этилди.

Мажлис якунида Давлат раҳбарларининг савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги баёноти ва Давлат раҳбарларининг ШХТ маконида эпидемия таҳдидларига қарши биргаликда курашиш тўғрисидаги баёноти ҳам қабул қилинди. 2019-2020 йилларда ШХТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлиги дастурини амалга ошириш бўйича Биргаликдаги ҳаракатлар режаси, ШХТ доирасида микро, кичик ва ўрта тадбиркорлиқни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлиқни рағбатлантириш бўйича ўзаро англашув меморандуми, Туну кун ишлайдиган алоқа шохобчаларининг CENcomm RILO-MOCKBA тезкор платформа каналларида фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ўзаро ахборот ҳамкорлиги регламенти, Озонни емирувчи моддалар ва хавфли чингидиларнинг трансчегаравий ҳаракати кучайиши ҳақида ахборот алмашув тўғрисидаги меморандум имзоланди.

ШХТ Бош котибининг ШХТнинг ўтган йилги фаолияти ҳамда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгаши директорининг 2017 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди ва тасдиқланди.

ШХТга аъзо Давлатлар раҳбарлари кенгаши В. И. Норовни (Ўзбекистон Республикаси) ШХТ Бош котиби лавозимига ва Ж. Ф. Гиёсовни (Тожикистон Республикаси) МАТТ Ихроия кўмитаси директори лавозимига 2019 йил 1 январдан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврга тайинлади.

Остона саммитидан (2017 йил 8-9 июнь) кейинги даврда Хукуматлар раҳбарлари (Бош вазирлар) мажлиси (Сочи шаҳри, 2017 йил 30 ноябрь — 1 декабрь), хавфсизлик кенгашлари котиблари учрашуви (Пекин шаҳри, 2018 йил 21-22 май), ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдан ташқари ва навбатдаги мажлислари (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 20 сентябрь, Пекин шаҳри, 2018 йил 24 апрель), Миллий координаторлар кенгаши мажлислари (Янчжоу шаҳри, Москва, Пекин, 2017 йил август — 2018 йил июнь), Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгаши мажлислари (Пекин, 2017 йил 17 сентябрь, Тошкент, 2018 йил 5 апрель), ваколатли органлар чегара хизматлари раҳбарлари мажлиси (Далънь шаҳри, 2017 йил 29 июнь), фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартаф ра этиш масалалари билан шуғулланувчи идоралар раҳбарлари мажлиси (Чўлпон ота шаҳри, 2017 йил 24-25 август), адлия вазирлари мажлиси (Тошкент, 2017 йил 20 октябрь), Олий судлар раислари мажлислари (Тошкент, 2017 йил 25 — 27 октябрь, Пекин, 2018 йил 25 май), санитария-эпидемиологик фаровонлиқни таъминлаш учун масъул хизматлар раҳбарлари мажлиси (Сочи, 2017 йил 31 январь), ташқи иқтисодий ва ташқи савдо фаолияти учун масъул вазирлар мажлиси (Москва, 2017 йил 15 ноябрь), бош прокурорлар мажлиси (Санкт-Петербург, 2017 йил 29 ноябрь), фан ва техника вазирликлари ва идоралари раҳбарлари мажлиси (Москва, 2018 йил 18 — 21 апрель), ШХТ Форуми (Остона, 2018 йил 4-5 май), миллий туризм маъмуриятлари раҳбарлари (Ухань шаҳри, 2018 йил 7 — 11 май), мудофаа вазирлари (Пекин, 2018 йил 24 апрель), маданият вазирлари (Санъа шаҳри, 2018 йил 15 май), наркотикларга қарши курашиш ваколатига эга ваколатли органлар раҳбарлари (Тяньзинь шаҳри, 2018 йил 17 май) учрашувлари, ШХТ Хотин-қизлар форуми (Пекин, 2018 йил 15 — 17 май), ШХТ ОАВ форуми (Пекин, 2018 йил 1 июнь), ШХТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви (Пекин, 2018 йил 6 июнь) ва ШХТ Банклараро бирлашмаси Кенгаши (Пекин, 2018 йил 5 — 7 июнь) мажлислари, шунингдек, турли даражадаги бошқа тадбирлар ўтказилди.

Давлат раҳбарлари Хитой Халқ Республикаси томонидан ШХТга раислик даврида амалга оширилган ишларга юқори баҳо бердилар ва Хитой томонига меҳмондўстлик ва Циндао шаҳридаги саммитнинг юксак даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирдилар.

Ташкилотнинг навбатдаги даврига раислик Қирғизистон Республикасига ўтди. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2019 йилда Қирғизистон Республикасида бўлиб ўтади.

Мухтарам дўстлар!

ШХТ Бош котиби лавозимига **Владимир Имомович Норов** номзо-дини қўллаб-қувватлаганингиз учун Сизларга самимий миннатдорлик билдираман.

Сўзим якунида **Хитой Халқ Респу-бликаси Раиси** жаноб **Си Цзиньпинга Циндао**даги тарихий **Саммит**нинг муваффақиятли ўтказилишига шахсан катта ҳисса қўшгани учун ана бир бор чин қалбимдан миннатдорлик билди-ришга ижозат бергайсиз.

Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Шарипович Жээнбековни ШХТга раислиқни қабул қилгани билан табриклайман ҳамда ушбу шарафли ва масъулиятли мис-сияни бажаришда унга улкан муваф-фақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК — МУШТАРАК ЮТУҚЛАР АСОСИ

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат раҳбарлари Хитой ШХТга раислик доирасида самарали ва муваффақиятли иш юритгани, сўнгги бир йилда аъзо давлатларнинг турли вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирокида 100 дан зиёд анжуманлар ташкил этилгани, бу тадбирларда муҳим натижаларга эришилганини таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси-да ташкилотга аъзо мамлакатлар билан бирга кузатувчи, мулоқот бўйича шерик мақомидаги давлатлар, халқаро ташкилотлар делегациялари раҳбар-лари қатнашди.

Мажлисида ШХТни ривожлантириш-нинг истиқболдаги йўналишлари, му-ҳим минтақавий ва халқаро муаммо-лар юзасидан фикр алмашилди. Иқти-содий ва инвестициявий шериклиқни кенгайтириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлиқни фаоллашти-риш масалалари ҳамда кўп томонла-ма кооперациянинг бошқа жиҳатлари муҳокама қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республика-си Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Саммитда давлат раҳбарлари Ўзе-кистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалар-аро тадқиқотлар институти директори Владимир Норовни ШХТ Бош котиби, Тожикистон вакили Жумахон Гиёсо-вни ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ихроия кўмитаси директо-ри лавозимига тасдиқладилар.

Саммит якунлари бўйича Циндао декларацияси қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Узоқ мuddатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкор-лик тўғрисидаги шартнома қоидалар-ини амалга ошириш бўйича 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган Ҳаракат-лар режаси, жами 17 ҳужжатни имзоладилар.

Ўзбекистон Президентининг такли-фига мувофиқ, ШХТ давлат раҳбарла-рининг Ёшларга қўшма мурожаати қабул қилингани саммитнинг яна бир аҳамиятли воқеаси бўлди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик Қирғизистон Республикасига ўтди.

Оммавий ахборот воситалари ва-киллари билан учрашувда ШХТнинг Циндао саммити самарали ўтгани, им-золанган ҳужжатлар ташкилотни яна-да ривохлантириш, минтақа мамла-катлари ва халқларини жипслашти-ришга хизмат қилиши таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзаро ишонч ва манфаатдорлик — муштарак ютуқлар асоси» шиори остида ўтган Циндао саммити ШХТ фаолиятида янада янги имкониятлар очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТ саммити доирасида қатор давлатлар раҳбар-лари билан учрашди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашувда ушбу давлат билан стратегик шерик-лик ва иттифқчилик муносабатлари-ни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзгармас йўналиши экани таъкидланди.

Бир йилда ўзаро 70 делегация таш-рифи амалга оширилгани, 21 марта ҳудудлараро учрашувлар ўтказилгани алоқаларнинг бугунги суръати ва микёсидан далолат беради. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакат-ларимиз ўртасидаги товар айирбош-лаш ҳажми 40 фоиздан зиёд ўсди, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўтган йили Россияга таширфингиз-дан кейин муносабатлар янги суръат касб этди. Сизнинг ташаббусингиз бил-лан чегаралардан ўтишда «яшил йўлак» ташкил этилгани натижасида Ўзбекис-тон мева-сабзавотларини етказиб бе-риш қарийб 36 фоиз ошди. Россиянинг етакчи компаниялари иштирокида йи-рик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, деди Владимир Путин.

Мулоқотда томонларни қизқитирган халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньпин билан учрашди. Хитой раҳбари ХХР Ўзбекистон би-лан кенг қўламли стратегик шериклик ва кўп форматли ҳамкорликка катта аҳамият қаратишини таъкидлади.

Президентиимиз ХХР Шанхай ҳам-корлик ташкилотига муваффақиятли раислик қилгани ва Циндао саммити билан Хитой раҳбарини табриклади.

Ўзбекистон — Хитой муносабатла-ри ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг барча муҳим соҳаларини қамраб ол-ган ва изчил ривожланиб бормоқда. 2017 йилда икки мамлакат ўртасида-ги товар айирбошлаш ҳажми 5 мил-лиард долларни ташкил этди.

Учрашувда иқтисодиёт, савдо, ин-вестиция, транспорт коммуникацияла-ри, юқори технологиялар ва бошқа со-ҳалардаги ҳамкорлиқни янада ривож-

лантириш масалалари муҳокама этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ШХТ-нинг Циндао саммити доирасида Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон халқини ушбу мамлакат Шанхай ҳам-корлик ташкилотига тўла ҳуқуқли аъзо бўлгани, Н. Модини ШХТ давлат раҳбар-лари учрашувида янги мақомда қатна-шаётгани муносабати билан қутлади.

Шавкат Мирзиёев мазкур учрашув аввал эришилган келишувлар ижроси-ни муҳокама қилиш ва ҳамкорлиқнинг истиқболларини белгилаб олиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Нарендра Моди Ўзбекистон Ҳинди-стоннинг ШХТга қабул қилинишини қўллаб-қувватлагани учун самимий ми-ннатдорлик билдирди. Бу Ўзбекистон би-лан ҳамкорлиқни ҳам ўзаро, ҳам ми-нтақавий микёсда ривожлантириш учун янги имкониятлар очишини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Ҳин-дистон ўртасидаги савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, инновация ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик-ни янада кенгайтириш масалалари му-ҳокама қилинди. Ахборот технология-лари, тиббиёт, фармацевтика, туризм каби йўналишларда истиқболли лойи-ҳаларни амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди. Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Хусайн билан учрашув ўтказди.

Шавкат Мирзиёев Мамнун Хусайнни Покистоннинг Шанхай ҳамкорлик таш-килотига аъзо бўлгани билан табрик-лаб, бу мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришда муҳим омили бўлишини таъкидлади.

Учрашувда савдо, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқни ривож-лантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Циндао шаҳрида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Фани билан музоқара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқи қардош ва қўшни Афғонистонда тинчлик барқарор бўлишидан манфаатдор эканини таъкидлади.

Жорий йил Тошкентда ўтган Афғо-нистон бўйича халқаро конференция-дан кейин бутун дунёда юртингизда тинчлик ўрнатиш бўйича катта ҳаракат-лар бошлангани мамнуният бағишлай-ди. Барча тушунпаттики, бунинг аякшо-ягона йўли — мулоқот. Ушбу учрашуви-миз шу борада фикр алмашши, мам-лакатларимиз учун муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун қулай фурсатдир, деди Президентимиз.

Ашраф Фани икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқот кейинги пайтларда изчил фаоллашаётганини қайд этди.

Ўзбекистонга таширдим доирасида эришилган келишувлар қисқа мuddат-ларда амалга оширилаётганини алохи-да таъкидламоқчиман. Афғонистон ма-саласи бўйича йирик анжуман ўтказга-нингиз учун халқимиз ва ҳукуматимиз номидан чукур миннатдорлик билдира-ман. Бу масалага шахсан эътиборин-гиз сиёсий ечимларга йўл очди, деди Афғонистон Президенти.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртаси-даги сиёсий, савдо-иқтисодий, транс-порт коммуникациялари, маданий-гуман-итар соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсиз-лиқни мустаҳкамлашга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад хонимни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги икки йилда Ўзбекистон — БМТ ҳамкорлиги фаол тус олгани, амалий натижалар би-лан бойлигини таъкидлади. БМТнинг нуфузли делегациялари мамлакатимиз-га мунтазам таширф буюраётгани, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комис-сар бошқармаси билан ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган амалий чора-тадбирлар ре-жаси изчил амалга оширилаётгани қайд этилди.

Амина Муҳаммад Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблея-сининг 72-сессиясидаги иштирокини мамнуният билан ёдга олар экан, мам-лакатимиз томонидан минтақавий ҳам-корлиқни кенгайтириш ва мустаҳкам-лаш, Афғонистонни қайта тиклашга кўмаклашиш бўйича қўрилаётган аниқ чора-тадбирларни юқори баҳолади. Тошкентда ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция бу масалага жаҳон ҳамжамияти эътиборини торта-ни қайд этилди.

Мулоқотда БМТ делегациялари раҳбарлари билан бўлиб ўтган аввалги учрашувларда эришилган келишувлар ижросининг бориши бўйича атрофича фикр алмашилди. Ҳамкорлиқнинг истиқболдаги муҳим йўналишлари муҳокама қилинди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАИФ ҚАТЛАМИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ
РАВБАТЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

давлат мулки объекти учун ижара тўловини ушбу объектга нисбатан энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдориди белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ кўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган имтиёз ва преференцияларни қўллаш тартибини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишган ҳолда ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

2. Тижорат банкларига 1-иловада кўрсатилган алоҳида тоифадаги тадбиркорлик субъектлариغا:

айланма маблағини тўлдириш учун — уч ойлик имтиёзли давр билан 18 ойгача муддатга;

асбоб-ускуналар ва сарфлаш материаллари харид қилиш учун — олти ойлик имтиёзли давр билан 3 йил муддатга кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ушбу бандда назарда тутилган кредитлар бўйича фоизларни тўлаш учун компенсация ҳамда мажбуриятлар таъминоти юзасидан кафиллик беришни таъминласин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра, 2018 йил 1 августдан бошлаб шатдаги ҳодимларининг 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан ташкил толган ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари корхоналари жами ҳодимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 4,7 фоиз миқдорда белгиланади ва

ягона ижтимоий тўлов суммаси ўрнатилган тартибда таскилланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда илгор хорижий таҳриба ва миллий амалиётни чуқур ўрганиш асосида ижтимоий тадбиркорлик субъектларини аниқлашнинг тартиби ва мезонларини, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолияти эркинлиги кафолатларини назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда уч ой муддатда ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин фойдаланиши учун барча техник ва тиббий-ижтимоий имкониятларни инобатга олган ҳолда, ҳомийлар ва ҳомийлик олувчиларни боғлайдиган, энг аввало, ҳомийлар ёрдамига ва қўллаб-қувватлашига ўта муҳтож кишилар ҳақидаги мақоалар ҳамда маълумотлар жойлаштириладиган махсус веб-портал яратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишда берилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида, шунингдек, ногиронлиги бўйича ҳеч қандай камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини амалга оширишдаги тенг шароитлар яратиш ва уларни бузганлик

учун жавобгарлик муқаррарлиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

6. Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти (кейинги ўринларда жамоат бирлашмалари деб юритилади)нинг уларнинг корхоналари тасарруфидига ишлаб чиқариш объектларидан самарали фойдаланилиши ва уларга бириктирилган ер майдонларидан оқилона фойдаланишни комплекс ўрганиш бўйича таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда республиканинг ҳар бир ҳудуди кесимида 2-иловага мувофиқ жамоат бирлашмаларининг корхоналарига тегишли ишлаб чиқариш объектлари ва ер майдонларидан самарали фойдаланишни комплекс ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этсин;

бир ҳафта муддатда жамоат бирлашмаларининг корхоналарига тегишли ишлаб чиқариш объектлари ва ер майдонларидан самарали фойдаланишни ўрганиш жадвалини уларнинг ҳар бир туман (шаҳар)даги сони ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда тасдиқласин;

2018 йил 1 августга қадар ишчи гуруҳлар томонидан жамоат бирлашмаларининг корхоналарига тегишли ишлаб чиқариш объектлари ва ер майдонларидан самарали фойдаланишни ўрганилишини ҳамда улар томонидан заруратга кўра аниқланган муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилишини таъминласин;

2018 йил 1 сентябрга қадар ўрганишлар натижаси бўйича

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИНГ ОҚИЛОНА ЕЧИМИ ЯНГИ АВЛОДНИНГ
ДУНЁҚАРАШИ ВА ИШТИРОКИГА БЕВОСИТА БОҒЛИҚ

11 июнь куни пойтахтимизда “Терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда ёшларнинг роли” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Халқаро конференция

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори ҳамда БМТ билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Испания,

Нидерландия, Латвия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Малайзия, Кувайт, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон сингари мамлакатлар делегациялари, хорижлик экспертлар, сенаторлар, депутатлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари, фан арбоблари, ОАВ ходимлари қатнашди.

Ушбу конференцияни ўтказиш ҳақидаги ташаббус Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг ноябрь ойида ЕХХТ Бош котиби Томас Гремингер билан бўлган учрашув чоғида илгари сурилган эди. Ўз навбатида, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари давлатимиз раҳба-

рининг бу таклифини қўллаб-қувватлади.

Дарҳақиқат, мамлакатнинг куч-қудрати, салоҳиятини ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг барқарорлиги билан бир қаторда, ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳам белгилайди. Айниқса, глобаллашавтган бугунги дунёда навқирон авлодни эзгу ғоя ҳамда лойиҳалар атрофида бириштириш, уларни умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ниҳоятда долзарбдир. Шу боис республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатида энг муҳим, устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда тарраққиёт кушандаси бўлган экс-

тремистик ғоялар таъсирига, кўп ҳолларда, мустақил ҳаётга эндигина қадам қўйган ёшлар тушиб қоляпти. Аҳолининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этадиган ва дунё бўйича энг ёш минтақалардан бири — Марказий Осиёда навқирон авлод вакиллари бугунчи ғоялар, маънавий таҳдидлардан асраш, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамонт масаласи ҳисобланади.

Шу ўринда Президентимизнинг 2017 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ҳамда “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус

резолюцияни қабул қилиш ташаббусларини Марказий Осиё ёшлари катта қизғиш билан қабул қилганини таъкидлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари ушбу нутқда халқаро ҳамжамиятнинг диққат-эътиборини яна бир бор террорчилик таҳдидларига қарши курашиш муаммосига қаратди. Бунда иккита фундаментал масалалар урғу берилди. Биринчидан, охириги йилларда жаҳонда террорчилик таҳдидлари тобора кучайганлиги ва уларга қарши курашишда, асосан, куч ишлатишга таъйин ўзини оқламаётганини кўрсатмоқда. Кўпинча асосий ҳаракатлар бу иллатни келтириб чиқарувчи сабабларга эмас, балки унинг оқибатларига қарши курашишга йўналтирилмоқда. Ваҳолонки, ҳозирги замондаги низолар, халқаро терроризм, экстремизм ва зўравонлик мазмунида, энг аввало, жаҳолат ва адоват акс этапти.

Иккинчидан, экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ кўпчилик жиноятлар ўттиз ёшга тўлмаган шахслар томонидан содир этилаётир. Мутахассислар маълумотига кўра, бугун ўн саккизга тўлмаган 300 минг нафар ўсмир жангарилар сафида қуролли тўқнашувларга жалб этилган. Ушбу можароларнинг 80 фоизида 15 ёшга тўлмаган ғойиат ва қизлар қатнашапти.

Халқаро анжуманда ёшлар орасида терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализмга қарши курашишнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари, бу жараёнда уларнинг ролини ошириш, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлигини кучайтириш, интернет ва оммавий ахборот воситаларида бундай иллатлар ташвиқотининг олдини олиш, ёш авлод вакиллари терроризм ва тажовузкор экстремизм таъсири остига тушиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида фан, маданият, спорт соҳаларида Марказий Осиё мамлакатларини минтақавий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, тажовузкор экстремизм ва терроризмнинг олдини олишда замонавий таҳдидлар ва ёшлар ташкилотларининг ўрни, навқирон авлод ўртасида терроризмга сабаб бўлувчи омилларга қарши курашиш бўйича комплекс ёндашув, минтақа мамлакатлари ёшларининг халқаро уюшмасини ташкил этиш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Конференцияда Минтақавий таҳдидларни ўрганиш маркази томонидан ЕХХТ кўмагида экстремизмга қарши курашиш — stopterror.uz ахборот порталининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда “Марказий Осиё ёшлари тажовузкор экстремизмга қарши” танловининг минтақавий босқичи натижалари эълон қилинди.

Бугун, яъни 12 июнь куни анжуман доирасида Самарқанд шаҳрида “Миллатлараро ва динлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон таърибаси” мавзюида диний конфессиялар ва миллий маданий марказлар вакиллари иштирокида мулоқот ҳам ташкил этилди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Бизнинг интервью

Томас ГРЕМИНГЕР:
«Бугун ёшларни эшитиш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш жуда муҳим»

Шу кунларда юртимизда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Томас Гремингер меҳмон бўлиб турибди.

Кеча ЕХХТ раҳбари “Терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда ёшларнинг роли” мавзюидаги халқаро конференцияда чиқиш қилди. Хусусан, у ўз нутқда глобал кун тартибидидаги масалалар бўйича долзарб фикр-мулоҳазаларни айтиб ўтди.

— Аввало, Ўзбекистон ҳукуматида шундай анжумани ташкил қилгани учун алоҳида миннатдорлик билдираман. Тажовузкорликка асосланган экстремизм ва унинг пировард натижаси бўлмиш терроризм хавфи Марказий Осиё ҳамда бутун МДХ ҳудуди бўйлаб доим мавжуд бўлганини назардан қочирмаслик лозим. Унга биргаликда, келишиб қарашларни мувофиқлаштирган ҳолатда қарши курашиш муҳим. Айни пайтда бу кураш давомиде биз инсон ҳуқуқларига ҳам даҳл қилмаслигимиз, чўноччи, инсонларнинг сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, ОАВ ҳуқуқи чекланмаслигини таъминлашимиз керак.

Бу жараёнларга имкони борида ёш йигит-қизларни ҳам жалб қилишимиз, уларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини яратилишимиз зарур. Кейинги пайтларда шахсан ғувох бўлдимки, Марказий Осиёда, айниқса, Ўзбекистонда жамиятини ислоҳ қилиш жараёнларида терроризм ва экстремизмга қарши курашишда бу таҳдидларнинг олдини олишга катта аҳамият берилмоқда ва бунда ёшларга муносиб ашаш, таълим олиш шароитларини таъминлаш бош омил сифатида қўрилмоқда. Мен буни жуда ижобий ҳолат, деб ўйлайман.

Утган ой Тожикистонда ҳам терроризмга қарши кураш бўйича шу каби халқаро анжуманда иштирок этдик ва унда ҳам хавфсизлигини таъминлашнинг асосий воситаси сифатида ёшлар масаласи биринчи ўринга чиқди. Душанбе декларациясидаги тавсияларда бунга алоҳида урғу берилди. Шахсан ўзим фаолият юритаётган ташкилот фаолиятини ҳам минтақада рўй бераётган ижобий жараёнлар ва ҳаракатларга мувофиқлаштиришга интиломоқдамиз.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2250 ва 2419-резолюцияларида (Можароларни ҳал этиш, тинчлик билтимларини тузишда ёшларнинг ўрнини инобатга олиш ҳақидаги халқаро ҳужжатлар — тахр.) илгари сурилган ғоялардан келиб чиқадиган бўлса ҳам, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда ёшларнинг салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг ҳаётинидаги ўрнини тан олиш долзарбдир. Бугун ёшларни эшитиш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш жуда муҳим. Бу борада Ўзбекистонда сўнгги икки йил ичида амалга оширилган ислохотлар диққатга сазовор.

ЕХХТ томонидан ҳам экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўлида жуда кўп ишлар қилинди. Қўллаб халқаро семинарлар, анжуманларнинг ташкил этилгани, турли мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида бу борада узаро таъриба алмашиш учун имкон яратиш, давлатлар раҳбарияти ва жамият ўртасида ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, махсус интерфакл сценарийларга асосланган турли машқлар ечиш орқали терроризмга қарши кураш бўйича энг мақбул ҳаракат стратегияларини шакллантириш шулар жумласидан.

Шунга қарамай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган ёшлар, аёллар ҳамон экстремистлар учун энг кам ҳимояланган нишон бўлиб қолаётганили бу ҳолатга қарши ҳаракатларни изчил давом эттириш заруратини кўрсатади. Ўйлайманки, мазкур конференция ҳам бу йўлда дадил қўйилган қадамдир. Анжуман қатнашчилари суҳбат ва музокараларда ёшлар масаласига чуқур эътибор қаратиб, бунда Ўзбекистоннинг жорий йўналишдаги сиёсати бўйича тўплаган таърибасига мурожаат қилишгани ғоят муҳимдир.

Ботир ҒОҒУРОВ эзиб олди.

Содиқ САҒОЕВ,
Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:

— Бугун сайёрамизда ёшлар қарийб икки миллиардни ташкил қилади. Нуфус жиҳатидан бу инсоният тарихидаги энг кўп сонли авлоддир. Айнан улар инсониятнинг келажагини белгилаб беради.

Нима учун ёшлар экстремистик ва радикал гуруҳларнинг асосий нишонига айланмоқда ёки хавфли оқимлар олдида заиф қолмоқда? Фикримча, бунинг сабаблари кўйидагилардан иборат. Аввало, ёшлар ҳаётий тажрибага эга эмас. Шу боис уларда ўз қобилиятини ҳатто сохта ғояларга эргашиб бўлса-да, нэмойиш қилиш истаги кучли. Бугун халқаро меҳнат миграциясининг энг катта қатламини ёш авлод вакиллари ташкил этади ва ўзга юртларда маргиналлашган ҳолда ҳаёт кечиради; нҳоят, интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг асосий қисми, бу — йигит-қизлардир.

Ушбу анжуман ёшлар сиёсатининг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, навқирон авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида кўп томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳақидаги Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлаш муҳим, деб ҳисоблаймиз.



Питер БУРИАН,
Европа иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили:

— Анжуманининг Ўзбекистонда бўлиб ўтаётгани юртингизнинг нафақат минтақавий, балки дунё хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим ўрнини белгиллаб беради. Биз бу ташаббусни қадрлаймиз. Тажовузкор экстремизм ва терроризмнинг тарқалиши, ёшларнинг радикаллашувига қарши туриш бўйича БМТ, ЕХХТ билан ҳамкорликда ташкил этилган бундай мулоқотлар, фикримча, мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлиқнинг ажойиб намунаси бўла олади. Биз бугун Ўзбекистонда, Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида юз бераётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатмоқдамиз. Ҳозир муҳим ҳамкорлик алоқалари, ошиб бораётган терроризм хавфининг асл сабабларига қарши кураш масаласига ўзига хос ёндашувлар ҳақида сўз юритмоқдамиз. Ҳаракатларимиз, интилишларимиз изчил ва узвий бўлиши керак. Дарҳақиқат, бу глобал муаммонини ҳеч бир мамлакат якка ҳолда енга олмайди. Президент Шавкат Мирзиёев айтганидек, ушбу хавфларга қарши фақат биргаликда, амалий ҳамкорлик механизмлари доирасида самарали қарши туриш мумкин.

Утган йил ноябрда Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзюидаги конференцияда биз минтақа мамлакатларининг энг таъсирчан воситаларини ишлаб чиқиш, таъриба ва ахборот алмаштириш билан интилишининг ғувоҳига айландик. Тажовузкор экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш бўйича Душанбеда яқинда қабул қилинган Декларация — Марказий Осиёда йирик халқаро ташкилотлар билан кучларни бириштириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадамдир. Албатта, террорчилик ва экстремизмга қарши кураш фаолиятига ёшларни жалб қилиш керак. Бу масалаларги миллий дастур кучли восита бўлади. Европа иттифоқи Марказий Осиёдаги ўз ҳамкорларини қўллаб-қувватлашга тайёр.

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси:

— Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Бу жараёнда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаол иштирок этмоқда.

Ташкилотнинг асосий мақсади — ўзбек ёшларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишидир. Бугунги кунда Ёшлар иттифоқи аъзоларининг умумий сони 10 миллиондан ортиқ йигит-қизни ташкил этапти. Турли вазирлик ва идоралар, таълим муассасаларида “Сардорлар кенгаши” фаолияти йўлга қўйилди.

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, 2017 йилда “Ёшлар уйлари”ни қуриш дастурини

Владимир НОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори:



— Мана, куни кеча Хитойнинг Циндао шаҳрида ШХТнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Ушбу халқаро ташкилот йиғилишида терроризм ва экстремизм билан курашиш масаласига

амалга ошириш доирасида беш мингдан зиёд оилалар ўз хонадонларига эга бўлди.

Жорий йил бошидан буюн Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг қафиллиги остида ўрта ёки енгил жиноятларда айбланган 208 нафар ёш суд залидан озод этилди.

Навқирон авлод вакиллари бугунимиз ва эртанимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Шундай экан, уларнинг турли ёт ғояларга қарши иммунитетини мустаҳкам бўлишида турли лойиҳа ва дастурларимиз муҳим асос вазифасини ўтайди.



ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси томонидан қафатти-на 2015 — 2017 йиллар оралиғида экстремистик ва террористик фаолият тўғрисидаги 900 мингдан зиёд маълумотларни жамлаган 100 мингта интернет-ресурс фаолияти тўхтатилди.

Мурожаатда барқамол шахс, интеллектуал салоҳият, экстремизм ва мутаассибликка қарши туриш кўникмасини шакллантириш, ёшларни замонавий билимлар, ҳуқуқий тарбия, АҚТдан оқилона фойдаланишга йўналтириш, маданият ва бағрикенглик, миллатлараро мулоқот олиб бориш қобилиятини ривожлантиришга эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди. ШХТ мамлакатларининг ёшлари халқлар, маданиятлар ва минтақалар ўртасидаги алоқаларда фаол иштирок этишига ишонч билдирилди.

тадбирлар ўтказилапти. Ҳозирги кунда рақамли ташвиқот ёш йигит-қизлар онгига энг кучли таъсир этувчи воситага айланди. Уларда ёт, бузғунчи ғоялар таъсирига қарши кучли иммунитет шаклланиши учун бизнинг кўмагимиз керак. Шу боисдан ҳам, энг кучли чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз лозим. Марказий Осиё мамлакатларида оилавий муносабатларнинг кучли аънавалари шаклланган. Бунини инобатга олишимиз ва фойдаланишимиз зарур. БМТ Бош котиби ҳам миллий дастурларни ишлаб чиқишда таълим ва касбга эга бўлиш асосий устувор масала эканлигини алоҳида қайд этди.



«Халқ сўзи» минбари

Муфтий Равиль ҳазрат ПАНЧЕЕВ,
Санкт-Петербург ва Россиянинг Шимоли-Ғарбий минтақаси мусулмонлари
Диний бошқармаси раиси:

«Ўзбекистонда ислом маънавиятининг тарихий ҳақиқатлари қарор топмоқда»

Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришган илк кунлардан бошлаб, муқаддас ислом дини буюрган бағрикенглик, саховат, мурувват каби амалларга ҳамоҳанг тарзда ўзбек заминидан етишиб чиқиб, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган машхур алломалар меросига таянган ҳолда, бу юртда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини тарғиб этиш бўйича кенг кўламли ишларни олиб бормоқда.



Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораёмиз. Бинобарин, қалби пок ниятларга йўғрилган кўпчилик инсонлар қатори Санкт-Петербург ва Россиянинг Шимоли-Ғарбий минтақаси мусулмонлари Диний бошқармаси жамоаси, унинг тимсолида шу ҳудудда ислом динига эътиқод қилувчи барча фуқаролар теран таъқибкурға асосланиб олиб борилаётган ислохотлар ҳамда уларнинг самараларини юксак баҳолайди.

XXI асрда инсоният терроризм деган манфур иллат билан тўқнаш келди. Мана шундай шароитда Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг юксак мин-баридан туриб дин никоби остида амалга оширилаётган жиноий хатти-ҳаракатлар негизда жаҳолат, диний ва дунёвий саводсизлик ётганини қатъий таъкидлади. Жаҳолатга қарши эса фақат маърифат орқали курашиш самара келтириши мумкин. Шавкат Мирзиёев халқпарвар ҳамда тинчликсевар сиёсатчи сифатида ёш авлоди ана шундай ёт қарашлардан муҳофазалаш учун барчани ҳамкорликда ҳаракат қилишга чақирди.

Унинг “Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз муҳассамининг ифодаси сифатида беҳад қадраймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўқиси билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Ислон дини бизни зугулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”, деган фикрларини қатъий қўллаб-қувватлаймиз.

Шу маънода, ислом динининг туб моҳиятини тушунириш, ёшларни буюк алломаларнинг бой мероси билан таништириш, маърифатли ислом ғоясини кенг ёйиш мақсадида бевосита Президент ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази, Сурхондарёда Имом Термизий маркази, Тошкентда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ташкил қилинган бекиёс аҳамият касб этади.

Ўри Амир андозасидаги масжид

Бизни бу кўҳна ҳамда мўтабар замин билан кўп муқаддас ришталар боғлаб

туради. Хусусан, XIX аср охири — XX аср бошларида бизнинг Санкт-Петербургда биринчи ва энг кўҳна ҳамда катта собор масжиди барпо қилинган. Бу хайрли ишга Бухоро амираи ҳам хайрия маблағи билан ҳисса қўшган экан. Яна бир эътиборли томони, шаҳримиздаги мазкур муқаддас маскан учун Самарқанддаги Ўри Амир мақбараси андоза қилиб олинган. Бу борада тақдим этилган 45 та лойиҳадан унга энг яқин келадигани танлаб олинган. Аммо ўтган асрнинг 50-йилларида мазкур масжид ҳудудининг бир қисми тураржой бинолари қуриш учун ажратилиши натижасида унинг майдони қисқариб қолган. Вакт ўтиб унинг қумдан қилинган минора гумбази муттасил совуқ об-ҳаво ва ёнгинарчиликлар туфайли тўқилиб тушди. 1978 йилда эса трамвайнинг рельсидан чиқиб кетиб бинога урилиши оқибатида гумбазининг маълум бир қисми қўлаб, масжидни реставрация қилиш эҳтиёжи кун тартибига чиқди.

1970 — 1980 йилларда молиявий аҳвол мураккаб ҳолатда эди. Хар нарса вақтисоати билан деганларидек, отам (у киши ҳақида кўйда сўзлаб бераман) ана шу камчиликини бартараф этиш учун маблағ топа олган. Бу йўлда об-ҳаво шароитларига мос тушадиган гумбази макети тайёрланиб, мутахассислар гуруҳи ташкил қилинган. Сопол пишириш учун техник чиннидан печлар тайёрланган. Унинг муқобили ҳозир ҳам дунёнинг ҳеч бир ерида учрамайди.

Шу тариқа Ўри Амирнинг Санкт-Петербургдаги “ғизағи”га эътибор асло сусаймади. Шаҳар раҳбарияти, хусусан, губернатор Сергей Полтавченко томонидан масжид минтақавий даражадаги меъморий ёдгорликка айлантирилди. Бунинг учун бюджет маблағлари ҳам йўналтирилди. Ана шундай улуг дарғоҳ қурилишида ўз ҳиссасини қўшган, Ўри Амир мақбараси андозасидан фойдаланиш имконини берган ўзбек халқидан доим миннатдормиз.

Етук инсонлар дуоси

Ўзбекистон билан каминани бирлаштирадиган яна кўплаб гўзал хотиралар бор. Отам муфтий Жаъфар ҳазрат Панчев ўтган асрнинг 60-йилларида Бухородаги Мир Араб мадрасасида сабоқ олган. 1975 йилда эса Тошкент ислом институтининг илк битирувчиларидан

бўлган. Кези келганда эътироф этишни истардимки, бугунги кунда Бухородаги Мир Араб мадрасасига олий диний таълим муассасаси мақоми берилгани нафақат Ўзбекистонликлар, балки россиялик дин улаомларини ҳам бирдек қувонтирди.

Болалик чоғларимда Тошкент ҳамда Самарқандга борганимни катта қувонч ва ҳаяжон билан эслайман. Бир сафар, югуриб юрганимда, буюк дин уламоси, маърифатпарвар инсон Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф мени кўриб қолди. Ушанда у киши бегузорлик ила каминига алоҳида меҳрибонлик кўрсатган эди. Ана шу ёқимли дмлар хотирамда бир умр сақланиб қолган. Ўзбекистонлик буюк инсонлар билан қўришганим, уларнинг дуоларини олганимдан гурурланиб юраман. Бундай ҳис-туйғу авлоддан-авлодга ўтиб боравериши ўзбек халқи билан қилўтмас дуст-биродарлигимизни мустаҳкамлайверади. Шунинг учун нафақат отам, балки оилаимизнинг барча аъзоси ўзбек замини, бу ердан етишиб чиққан пиру арконлар, устозларнинг беиминат хизматлари, қилган яхшиликлари, берган бекиёс билимларини ҳеч қачон унутмайди.

Хабарингиз бўлса керак, ўтган йили отамнинг дўсти, у киши билан бирга Бухоро ва Тошкентда ўқиб, хужраларда яшаган Шайхулислом Оллоҳхукур Пошшозода томонидан Озарбайжон ҳамда Ўзбекистон дин улаомлари билан ҳам-



Самарқанддаги Ўри Амир мақбараси андозаси асосида Санкт-Петербург шаҳрида бунёд этилган масжид.

корликда халқаро конференция ташкил этилди. Унда ислом тараққиётига йўналиш берувчи инсонлар қатнашди. Айна шундай шахслар шарофати билан ислом синов даврини бошдан кечирганимизга қарамаддан минтақамизда саломатлик қолди. Хатто, бир пайтлари юртимизга келган Араб давлатлари делегацияси вакиллари ҳайрон қолиб, худосизлик билан боғлиқ оғир йилларда исломни қандай асраб қолганимиз ҳақида сўраганини эслайман.

Оталаримиз асраб келган фазилатларни фарзандларимизга ҳам етказишимиз даркор

Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмайди. Бугун мусулмонларни бир-биридан айириш, ёт кулларнинг ислом динини бўлиб ташлаш, унинг ривожланишига йўл қўймасликка қаратилган бузғунчи ғояларга хизмат қилаётганлар сафи кенгайиб борапти. Улар бу ишларни исломни ёмонотлик қилиш, биронинг тинчини бузиш, жарақ-жарақ пул топиш мақсадида амалга ошираётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Чин эътиқод эгаларининг бу каби ашаддий душманлари бизни қашшоқлик, жаҳолат даврига қайтармоқчи. Биз эса қаршилиқ кўрсатиб, маърифат туғини баянлаб тутган ҳолда қатъий курашаймиз. Бинобарин, ислом динининг асл моҳияти янада кенг очилиб, аҳоли эътиқоди кучайиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Агар ўтган асрнинг 70-йилларида жума намозлари пайтида 6,5 минг кишилик ўринга эга масжидимизнинг яри ми ҳам тўлмаса бўлса, ҳозир келувчиларга жой етмаслиги бунга мисол бўла олади. Хар қандай об-ҳаво шароитида одамлар чин ибодат учун ошиқшидан ҳурсанд бўлаёмиз. Биз эса уларга шароит яратиб беришни ўз бурчимиз, деб билимиз.

Шу ўринда бир вақтларда оғир бўлгани, бироқ баъзи ибратли ҳолатлардан ҳам кўз юмиб бўлмаслиги ҳақида айтиб ўтмоқчиман.

У пайтларда “Сен бу миллатдансан ёки сен унисан”, деб бир-биримизга айирмачилик, миллатчилик, маҳаллийчилик, умуман, паст назар билан қарамаганмиз. Дўст бўлганмиз. Бугун айнан шу муҳим қадриятдан фойдала-

ниб, диний маърифат, соф маънавият ва ахлоқ қондаларини кенг ёйишимиз зарур. Оталаримиз асраб келган фазилатларни фарзандларимиз, невараларимизга ҳам етказишимиз даркор.

Мана, ҳозир муқаддас Рамазон ойи. Хар йили масжидимиз ҳудудида ифторликлар уюштирамиз. Дастлаб 50 киши ййилган бўлса, бугун уларнинг сони 2000 нафарга етди. Хар кўни улар бу ерга келиб, дуо қилиб, оғиз очади. Татар, ўзбек, чечен, қозоқ, тожик каби миллатларга мансуб мусулмон аҳли ислом кимлар учундир уруш ва улдириш учун никоҳ эмас, балки олиханоблик, зугулик, ахиллик ҳамда ҳамжиҳатлик эътиқоди эканлигини намоян этишмоқда.

Зотан, динимиз ёвузликка эмас,



XXI асрда инсоният терроризм деган манфур иллат билан тўқнаш келди. Мана шундай шароитда Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг юксак минбаридан туриб дин никоби остида амалга оширилаётган жиноий хатти-ҳаракатлар негизда жаҳолат, диний ва дунёвий саводсизлик ётганини қатъий таъкидлади. Жаҳолатга қарши эса фақат маърифат орқали курашиш самара келтириши мумкин. Шавкат Мирзиёев халқпарвар ҳамда тинчликсевар сиёсатчи сифатида ёш авлоди ана шундай ёт қарашлардан муҳофазалаш учун барчани ҳамкорликда ҳаракат қилишга чақирди.



балки яхшиликка, одамларни бир-бири билан дўст-биродар бўлишга, Аллоҳ томонидан берилган хар бир неъмат, хар бир кун учун хурсандчилик туйишга чақиради. У бизга ота-онамиз билан суҳбатлашиш, болаларимиз билан бахтли яшаш, Яратган қудрати билан оила, қақалоклар дунёга келишидан қувониш имконини беради. Биз буни қадраймиз.

Ўзбекистон ҳақида сўзлашдан чарчамайман

Ўзбекистонда ислом йўналишида сўнгги йилларда нихоятда салмоқли ишлар қилинаётгани ҳақида хар қанча сўзлашдан чарчамайман. Зеро, мазкур йўналишда катта ютуқларга эришимиз, тарихий ҳақиқатларни қарор топтиришга Ўзбекистоннинг тула маънавий ҳуқуқи бор. Бунинг яна бир асосли сабаби унинг улуг мутафаккирлар юрти эканлигидир. Бу манзилда камол топган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий номлари бутун дунёда машхур.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар туфайли ушбу алломаларнинг ибратли мактаблари қайта тикланди, ривожлантириляпти. Бу эса улар яратган бебаҳо диний-маърифий, маънавий дурдоналарни аҳоли, айниқса, ёш авлод орасида кенг ўрганилишига мустаҳкам замин яратяпти. Бундай саъй-ҳаракатлар, энг аввало, жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишга хизмат қилади.

ларда ёшлар, меҳнат мигрантлари билан қатор учрашувлар ўтказилди. Бу йил ҳамкорлик бўйича икки томонлама шартномани имзолаш, бошланган маърифий ишларни давом эттириш ниятидамиз.

Бизнинг маънавий ҳаётимиз масжиддан ҳамда ибодат хоналаридан ташқарида ҳам давом этади. Санкт-Петербург шаҳри, Ленинград вилояти раҳбарлари билан биргаликда мигрантлар билан ишлаш бўйича қилинадиган улкан фаолият бунинг ёрқин мисолидир. Жума намозидан кейин одамлар келиши учун тегишли кўмиталар, Россия федерал миграция хизмати, таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва меҳнат кўмиталари вакиллари иштирокида семинарлар ташкил қилияпти. Йўналишлар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Муҳожирлар эса аниқ фаолият билан шуғулланиб келадиган ҳокимият вакиллари билан тўғридан-тўғри гаплашади. Уларнинг бошқа жойларга муурожаат этиши, ўз масала-ларига жавоб излашига ҳоҳат қолмайди. Чунки мазкур соҳада ишлайдиган аниқ мутасадди шахсдан жавоб олиш имконияти яратилади. Агар таълим бўйича савол туғилса, таълим кўмитаси, фарзанд билан боғлиқ масала бўлса, соғлиқни сақлаш тизими мутасаддиси шу ернинг ўзида аниқ тушуна беришга шай туришади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган диний-маърифий ишлар бизга беҳад қувонч бағишлашини эътироф қилган ҳолда, халқларимизни оосийшталик ва фаровонлик асло тарк етмаслигини Яратгандан илтижо қилиб сўраймиз. Президент Шавкат Мирзиёевга хайрли ислохотларни янада кенг кўлабда рўёбга чиқаришида ютуқлар тилаймиз.

Божхона хабарлари

Постдаги сайёр суд мажлиси

Қоракўл туманидаги “Қоракўл” ташқи иқтисодий фаолият божхона постида содир этилган 15 дан ортқ ҳуқуқбузарликлар юзасидан сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Бухоро вилояти божхона бошқармаси ходимлари, мутахассислар, маҳалла фаоллари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар қатнашди. Жавобгарликка тортилганлар орасида илк бор ҳуқуқбузарликка қўл урган А.Қ.га унинг моддий аҳоли ҳамда маҳалла фаолларининг тавсифномалари инобатга олиниб, енгил жазо қўлланди.

Сайёр судлар аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Гоҳ у ёқда, гоҳ бу ёқда...

Сурхондарё вилоятининг “Айритом” чегара божхона постида афғонистонлик фуқаролардан бирининг йўл сумкаси кўздан кечирилганида, 30,35 гр. кўкнори гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Айни шу постда қозғоғистонлик фуқаро шифобахш гиёҳлар никоби остида 76,64 гр. кўкнори бошоқларини божхона назоратидан яширинча олиб ўтмоқчи бўлаётганда тўхтатиб қолинди.

Божхоначилар автомашиналарда ҳаракатланаётган фуқаролар сумкаларини кўздан кечиришганда ҳам бундай нохуш ҳолатларга тўқнаш келишмоқда. Масалан, Тошкент — Урганч йўналиши бўйича ҳаракатла-

Қинғир ишнинг қийиғи

Шахрисабз туманида ўтказилган “Қорадори — 2018” тезкор тадбири давомида гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний тарзда етиштириш билан боғлиқ жиноий ҳаракатга чек қўйилди.

“Хўжахуросон” маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи фуқаро А. Содиковнинг ҳовлисида 233 туп таркибида гиёҳ-

вандлик моддалари бўлган ўсимликлар ноқонуний равишда парваришлаб келинаётгани аниқланди. Экспертлар ҳулосаларига

кўра, булар каннабис ва опийли кўкнор ўсимлиғи экан.

Аниқланган мазкур ҳолат бўйича суриштирув

наётган автомашинада йўловчи Я. Ж.га тегишли сумкадаги 4 дона қоғоз ўрамида 39,78 гр. марихуана гиёҳвандлик воситаси, “Фарғона” чегара-божхона постида қўшни давлатдан кириб келган фуқаро Х. Т. бошқарувидаги “Кобальт” автомашинаси сандиқчасидаги қоғоз ўрамида 3,67 гр. кўкнори сомони яширилгани аниқланди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари давом этмоқда.

ишлари давомида қонунбузар марҳум отаси А. Зоҳидовдан “мерос” қолган гиёҳвандлик моддаси уруғларини экиб қўйайтиришни мақсад қилганини айтиди.

Давлат божхона кўмитаси Ахборот хизмати хабарлари асосида Ш. БЎТАЕВ тайёрлади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонахона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Ёш ихтирочи робот яратди

Енгилгина туртки билан айланувчи спиннернинг фойдали иш коэффициентини нолга тенг. Учқудуқлик ёш автослесарь Акмал Ҳамроев уни такомиллаштириб, сарфланадиган механик энергияни электр энергиясига айлантириш йўлини топди.

ИННОВАЦИЯ

Яъни унинг ёрдамида электр турбоғидан олис ҳудудларда мобил телефон аппаратларини зарядловчи мослама сифатида фойдаланиш мумкин. Муҳими, қувватлантириш симсиз амалга оширилади.

Акмал Учқудуқ шахридаги қончилик касб-ҳунар коллежи-ни тугаллаб, бугун НКМК тизимидаги Шимолий кон бошқармасига қарашли автотранс-

ошхоналарга ўрнатилган оддий ҳаво сўргичнинг ўзгинаси. Фарқи шундаки, у хонадонда газ чиқиши билан ишга тушиб, хонадон сохибларини “Дикқат, газ!” сигнали билан огоҳлантиради.

— Мослама газ аварияси юз берганда, хонадон сохибининг мобил телефонига ҳам огоҳлантирувчи хабар беради, — дейди А. Ҳамроев. — Бу эса кўплаб бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Акмал яратган яна бир янгиллик робот-чангтоқичдир. У ультратовушлар ёрдамида ҳаракатланиб, ўз йўналишларини белгилайди.

Темур ЭШБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси иқтисодий бўйича проректор Рамз Мухаммадиева отаси Зoir бобо МУҲАММАДИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари тахририяти жамоаси тахририят ходими Ботир Ҳамдамовга онаси Ҳалиқа ҲАМДАМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
--	--

Тахририятга келган кўлашмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаавобгар. Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор Ж. Тоғаяв томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.	• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров. Навбатчи — Д. Каримов. Мусаҳҳих — С. Исмолов.
--	--

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 01.30 Топширилди — 03.35 1 2 3 4 5 6